

САЙФИ САРОЙИ ШЕЪРИЯТИДА ҚОФИЯ**Қодирова Барно**

*dotsent, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),
Samarqand davlat universiteti Samarqand, O'zbekiston
kodirova.b86@gmail.com*

Аннотация. *Мазкур мақолада Мумтоз ўзбек шеъриятида қофиянинг ўрни ва Сайфи Саройи ижодида қофия турлари таҳлили берилади. Қофиянинг ғоялар моҳиятини очишда, тил ва маънода таъсирли бўлишидаги аҳамияти, мужаррад, мурдаф ва мутлақ қофия каби турлари, шунингдек, зулқофиятайн, тарсиъ ва тажнисли каби қофия санъатлари мисоллар орқали кўрсатилган. Мақолада Сайфи Саройининг ғазал, маснавий ва қасида ижодида қофия турлари ва уларнинг оҳангдорлиги, сержилолиги ва таъсирчанлиги таҳлил қилинган. Шунингдек, мусажжаъ санъати ва қофиянинг маънавий-тил жиҳатлари ҳам алоҳида эътиборга олинган.*

Калит сўзлар: *қофия, ғазал, маснавий, қасида, вазн, Сайфи Саройи, лирика.*

РИФМА В ПОЭЗИИ САЙФИ САРОЯ**Кодирова Барно**

*доцент, доктор философии по филологии (PhD),
Самаркандский государственный университет
Самарканд, Узбекистан kodirova.b86@gmail.com*

Аннотация. *В данной статье рассматривается роль рифмы в классической узбекской поэзии и анализируются виды рифмы в творчестве Сайфи Сарайи. Подчеркивается значение рифмы в раскрытии идейного содержания стихотворений, в её семантической глубине, мелодичности и художественной выразительности. Приведены примеры мужаррад, мурдаф и мутлак рифм, а также рифменных приёмов зулькофиятайн, тарсиъ и таджнис. Проанализированы рифмы в газалях, маснави и касидах Сайфи Сарайи, их гармония, блеск и воздействие на читателя. Особое внимание уделено мусаджа' художественному приёму и языково-семантическим особенностям рифм.*

Ключевые слова: *рифма, газель, маснави, касида, размер, Сайфи Саройи, лирика.*

RHYME IN THE POETRY OF SAIFI SAROY

Qodirova Barno*docent, doctor of Philosophy in Philology (PhD),**Samarkand State University**Samarkand, Uzbekistan**kodirova.b86@gmail.com*

Annotation. *This article examines the role of rhyme in classical Uzbek poetry and analyzes the types of rhymes in the works of Sayfi Saroyi. It highlights the importance of rhyme in conveying the essence of ideas, its semantic depth, melody, and aesthetic appeal. Examples of mujarrad, murdaf, and mutlaq rhymes, as well as rhyme techniques such as zulqo'iyatayn, tarsi', and tajnis, are provided. The rhymes in Saroyi's ghazals, masnavis, and qasidas are analyzed for their harmony, brilliance, and impact on the reader. Special attention is given to the musajja' technique and the linguistic-semantic features of the rhymes.*

Keywords: *rhyme, ghazal, masnavi, qasida, meter, Saifi Saroyi, lyric.*

КИРИШ

Мумтоз шеърятимизда қофия бадииятнинг асосий қирраларидан бири саналиб келинган. Ижодкорнинг салоҳияти шеърларда қўлланган қофияларнинг ғоялар моҳиятини, тимсоллар қиёфасини очишдаги аҳамияти, қофия учун танланган сўзларнинг маънавий теранлиги, оҳангдорлиги, жило ва жозибаси билан ҳам белгиланган. Қофиянинг хилма-хил турлари ва санъатлардан, вазн ва қофия муносабатларидан ўринли фойдаланиш шоир маҳоратининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланган.

Биз ҳам Сайфи Саройи ижодини тадқиқ қилар эканмиз, унинг қофия илмидаги маҳоратини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Сайфи Саройи поэзиясида ўзбек шеърятида кенг қўлланган қофия турларидан бири мужаррад қофияни кўришимиз мумкин.

Масалан:

*Эй кўрклилар хаёли билан мубтало кўнгил,
Кўзи билан кетурган ўзина бало кўнгил¹⁴.*

Бу хил қофиянинг бир тури равий чўзиқ унлидан иборат бўлган қофия бўлиб, унда шу чўзиқ унлидан бошқа бирон ҳарф иштирок этмайди. Юқоридаги байтда мубтало-бало қофиялари мужаррад бўлиб, равийси чўзиқ «о» унлидир. Шоир

¹⁴. Ўзбек адабиёти. I китоб. Тошкент. «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 20-бетлар.

*Қуруб қоши ёсин қаро кўзларинг,
Отар кирпук ўқин манго кўзларинг.*

Байти билан бошланувчи ғазалида қаро, манго, хато, бало, қиё, оло, қано, ёно каби сўзларни қофиядош қилиб қелтирган. Бу сўзлардаги чўзиқ «о» унлиси равийдир. Сайфи саройи мужаррад қофиянинг иккинчи турини ҳам ғазалларида қўллайди:

*Қамар юзунгдан бўлур мунаввар.
Шакар сўзунгдан келур мукаррар.*

Яъни, бунда қофия ундош билан тугалланиб, шу ундош равий бўлиб келади, ундан олдин эса исталган қисқа унли келиши мумкин. Юқоридаги байтда мунаввар-мукаррар сўзлари қофиядош бўлиб, «р» ундоши равий, ундан олдинги «а» қисқа унлидир. Демак мужаррад қофиянинг бу тури бир қисқа унли билан бир ундошдан ташкил топган.

Шоир мужаррад қофияни нафақат ғазалларида, маснавий, қасида ва қитъаларида ҳам қўллайди:

Маснавийси:

*Кимининг сўзлари мавзуну ширин,
Кимининг лойиқи ташрифу таҳсин.*

Қасидаси:

*Олтун қанотин очти эса субҳ сунқури,
Кўк кўлга ботти жумла кавокиб кабутари.*

Қитъаси:

*Недур ул ким сўқиб тартиб бунгалмас,
Боши захми даво бирлан ўнгалмас.*

Сайфи саройи қофия турларидан яна бири мурдаф (ридфли) қофиядан ҳам фойдаланади. Бизга яхши маълумки, равий ҳарфидан олдин чўзиқ унлилардан бири келган қофия мурдаф (ридфли) қофия деб номланади. Чўзиқ унлининг ўзи эса ридф деб аталади.

Масалан:

*Кўркли юзунгга боққан кўзларга жон кўрунур,
Дойим мурассаъ оғзинг гавҳарфишон кўрунур.*

Байтдаги жон-гавҳарфишон сўзлари мурдаф қофия бўлиб, «н» ундоши равий, «о» чўзиқ унлиси эса ридфдир.

*Таоллаллоҳ, зиҳи сурат, зиҳи маҳбуби руҳоний,
Ким онинг ҳусни шавқиндин кўнгуллар бўлди нуроний.*

* * * *

*Ул юзи ойким, жаҳоннинг жонидур,
Бу замона хўбларнинг хонидур.*

* * * *

Дилбаримнинг зулфи сунбул, чехраси гулзор эрур,

Бўйина ошиқ санаббар, юзина гул зор эрур.

* * * *

*Янги ойдур қошинг, эй кўркабойим,
Қилур байрам юзунени кўрса сойим.*

* * * *

*Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,
Кими булбул дурур сўзда, кими зоғ.*

* * * *

*Кими маъний қўюб лафзин тузотур,
Кими вазнин бўзуб санъат кузотур.*

Кўриниб турибдики, «о» чўзиқ унлисидан кейинги равий ўрнида исталган ундош келиши мумкин. Сайфи Саройи ижодида эса кўпинча «н», «р», «й», «ғ», «т» каби ундошлар равий сифатида кенг қўлланган.

Сайфи Саройи лирикасида тузилишига кўра қофияларнинг икки-мужаррад ва мурдаф қофия турлари кенг қўлланган. Муқайяд ва Муассас турлари эса деярли учрамайди.

Умуман, қофиялар равий ҳарфи билан тугалланиши ёки ундан кейин ҳам ҳарфлар келиши мумкин. Равий билан тугалланган қофияларни муқайяд деб, ундан кейин ҳарфлар келган қофияларни эса мутлақ қофия деб аташ қабул қилинган. Мутлақ қофия таркибида равийдан кейин келувчи ҳарфлар турлича аталади. Ана шунга кўра мутлақ қофиянинг турли хиллари мавжуд.¹⁵ Сайфи Саройи эса мана шу мутлақ қофиянинг турли хилларини шеърларида қўллайди.

Масалан: васлли мутлақ қофия:

*Ани сен жумла шоир камтари бил,
Қамар юзга ҳамиша муштари бил.*

Байтдаги камтари-мутшари қофияларидаги «р» ундоши равий, ундан кейинги «и» чўзиқ унлиси васлдир.

Шоирнинг

*Ул юзи ойким, жаҳоннинг жонидур,
Бу замона хўбларнинг хонидур¹⁶.*

Байтида жонидур-хонидур қўофияларида «н» ундоши-равий «и» унлиси-мажро, «д» ундоши ҳуруж, «у» унлиси-мазид, «р»ундоши-нойирадир. Бу хил қофия нойирали мутлақ қофия саналади.

Сайфи Саройи ижодида яна ҳуружли мутлақ қофия ва нофозли мутлақ қофия қўлланганлигини кўришимиз мумкин:

¹⁵ Анвар Ҳожиахмедов Мумтоз бадиият малоҳати. Т., 1999, 205-бет.

¹⁶ Сайфи Саройи. Шеърлар. Гулистон. Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968. 12-бет.

*Ким келди эса жаҳонга шак йўқки кетар,
Оқил келибон бу ерда кўп хайр этар.
Сен эйгулик эт дағи тенгизга солғил,
Ёзида сенга яқин бил ул хайр етар.*

Бу китъадаги кетар, этар, етар сўзлари қофиядош бўлиб «т» ундоши-равий, «а» қисқа унлиси-мажро, «р» ундоши-хуруж-хуружли мутлақ қофиядир.

Шоирнинг

*Ёйилди эйгу отинг ду жаҳонга,
Етубдур меҳрингиз ўш инсу жонга.*

Байтида жаҳонга-жонга қофияларидаги «н» ундоши-равий, «ғ» ундоши-васл, «а» қисқа унлиси эса нафоздир.

Сайфи Саройи қофия турларидан фойдаланар экан, шеърларида қофия санъатларини ҳам кўллаб, уларнинг оҳангдорлиги, сержилолиги, таъсирчанлигини таъминлашга алоҳида эътибор беради.

Масалан, шоирнинг

*Кими тўти бекин чайнар шакарни,
Кими лафзи билан ўртар дарарни.*

Байтида қофия санъатларидан бири зулқофиятайн санъатини кўриш мумкин. Бизга маълумки байт мисраларида икки сўзни қофиядош қилиб келтириш санъати, зулқофиятайн (кўш қофия келтириш) санъати дейилади. Сайфи Саройи ҳам юқоридаги мисолда икки сўзни мисра охирида келтириб (чайнар-ўртар, шакарни-дарарни) зулқофиятайн санъатини қўллайди. Ёки шоир ижодида тарсиъ санъатининг ҳам ёрқин намунасини учратиш мумкин:

*Қамар юзунгдан бўлур мунаввар,
Шакар сўзунгдан келур мукаррар.*

бу байтда қамар-шакар, юзунгдан-сўзунгдан, бўлур-келур, мунаввар-мукаррар сўзлари қофияланиб келган. Демак, байт мисраларидаги барча сўзлар қофияланиб тарсиъ санъатини юзага келтирган.

Маълумки тажнисли қофияларни шеърий асарларда қўллаш ҳам қофия санъатларидан ҳисобланади. Сайфи Саройи ижодида бу санъатни кўллаб қўлланганлигини кўриш мумкин:

*Дилбаримнинг зулфи сунбул, чеҳраси гулзор эрур,
Бўйина ошиқ санавбар, юзина гул зор эрур.*

байти билан бошланувчи ғазалида бошидан охирги байтигача тажнисли қофия санъати қўлланган.

Ёки

*Бу фалак нечун мени доим қара қинда тутар,
Бу отим Сайф ўлдур учунми қара қинда тутар.*

каби

Ёки

*Менингтект нечалар ҳайрон ўшул жоду қароқинга,
Кўруб жисмин хижолатдан равон бўлди қаро қинга.*

каби шеърларида Сайфи Саройининг тажниси қофия санъатини қўллашдаги маҳоратини кўришимиз мумкин.

Сайфи Саройи қофия санъатларидан яна бири мусажжаъ санъатидан ҳам фойдаланади.

Масалан:

*Ало, эй дилбари манзур, бу кўркиннга бўлуб мағрур,
Кўнгуллар қилмағил ранжур, кечар бу ҳусн даврони*

байтидаги мисралар тўрт бўлакка бўлиниб олдинги уч бўлак мустақил ҳолда қофияланиб (манзур-мағрур-ранжур), тўртинчи бўлак эса шеърдаги асосий қофияга оҳангдош сўз билан тугалланади.

Шоирнинг «Таолаллоҳ, зиҳи сурат зиҳи маҳбуби равҳони» мисраси билан бошланувчи ғазалида мусажжаъ санъати қўлланган:

*Таоллаллоҳ, зиҳи сурат, зиҳи маҳбуби руҳоний,
Ким онинг ҳусни шавқиндин кўнгуллар бўлди нуроний.
Муфарриҳ шевали дилбар, тили тўти сўзи шаккар,
Кийик кўзли, қамар манзар, малоҳат мулки султони.
Кўнгул олур кўзи оли, фараҳ берур энги оли
Буйидур сарвинг толи, юзи жаннат гулистони.*

ХУЛОСА

Адабиётшунос Анвар Ҳожиахмедов мусажжаъ санъати ҳақида фикр билдирар экан, мусажжаъ усулини туркий шеърятда илк бор Алишер Навоий қўлаганини таъкидлайди.¹⁷ Бизнингча бу усулни илк бор Сайфи Саройи қўлаган. Чунки юқоридаги мусажжаъ ғазал фикримизнинг исботидир.

Сайфи Саройи шеърятда қофия нафақат шеърини шакл унсури, балки бадий мазмунни очишга хизмат қилувчи муҳим поэтик восита сифатида намоён бўлади. Шоир ижодида мужаррад ва мурдаф қофия турлари кенг қўлланиб, мутлақ қофиянинг турли кўринишларидан ҳам маҳорати билан фойдаланилгани кузатилади. Шунингдек, зулқофиятайн, тарсиъ, тажнис ва мусажжаъ каби қофия санъатларини қўллаш орқали шеърларининг оҳангдорлиги, таъсирчанлиги ва бадий қиммати янада юксалтирилган.

Сайфи Саройи қофия ва қофия санъатларидан фойдаланишда юксак ижодий маҳоратини намоён этган шоир сифатида ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. Унинг ижоди қофия илмини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

¹⁷ Анвар Ҳожиахмедов Мумтоз бадиият малоҳати. Т., 1999, 226-бет.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Анвар Ҳожиахмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. Тошкент. 1999.
2. Сайфи Саройи. Шеърлар. Гулистон. Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968.
3. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. Тошкент. Фан, 1985.
4. Ўзбек адабиёти. V том. 1- китоб, Тошкент. Тошкент бадиий адабиёт нашриёти. 1966.